

**ЎЗБЕКИСТОНДА БМТ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ МАҚСАДЛАРИ
ДОИРАСИДА СУВ МУАММОСИНИ ҲАЛ ЭТИЛИШИ ИНСОН
ҲУҚУҚЛАРИНИ ТЎЛАҚОНЛИ ТАЪМИНЛАШДИР**

**РЕАЛИЗАЦИЯ ЦЕЛЕЙ ООН ПО УСТОЙЧИВОМУ РАЗВИТИЮ В
УЗБЕКИСТАНЕ В СФЕРЕ РЕШЕНИЯ ВОДНОЙ ПРОБЛЕМЫ
ОЗНАЧАЕТ ПОЛНОКРОВНОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА**

**IMPLEMENTATION OF THE UN SUSTAINABLE DEVELOPMENT
GOALS IN UZBEKISTAN IN THE SPHERE OF RESOLVING THE
WATER PROBLEM MEANS FULL PROTECTION OF HUMAN RIGHTS**

Ачилов Жамол Алишерович

ВМнинг Назорат ва ижро интизоми бўлим бошлиғи. Мустақил тадқиқотчи

Аннотатсия:

Муаллиф мақолада Ўзбекистон Республикасида сув муаммосини ҳал қилиш масаласини БМТ Барқарор ривожланиши мақсадлари доирасида кўриб чиққан ва мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ислохотлар ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиб, ўзининг таклифларини тақдим этади. Таклифларнинг негизи инсон ҳуқуқларига таянади.

Калитли сўзлар: БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари, Тоза сув ва санитария мақсади, ичимлик суви, сув билан боғлиқ муаммолар, Қўш-Тепа канали, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Концепцияси, инсон ҳуқуқлари.

Аннотатсия:

Автор статьи увязал вопросы решения водной проблемы в Республике Узбекистан с Целями ООН по устойчивому развитию и проанализировав соответствующие реформы в этой сфере, наряду с принятыми нормативно-правовыми документами представил свои предложения по данной теме. Данные предложения в качестве основы опираются на права человека.

Ключевые слова: Цели ООН по устойчивому развитию, Цель Чистая вода и санитария; питьевая вода, проблемы, связанные с водой, канал Кош-Тепа, Концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020 -2030 годы, права человека.

Annotation:

The author of the article linked the issues of solving the water problem in the Republic of Uzbekistan with the UN Sustainable Development Goals and, having analyzed the relevant reforms in this area, presented his proposals on this topic along with the adopted regulatory documents. These proposals are based on human rights.

Keywords: UN Sustainable Development Goals, Clean Water and Sanitation Goal; drinking water, water-related problems, Kosh-Tepa canal, Concepts for the Development of Water Management in the Republic of Uzbekistan for 2020-2030, human rights.

Ўзбекистонда сув билан боғлиқ муаммолар йилдан йилга қараб кучайиб бораётганлигини инобатга олган ҳолда, 2023 йил 14 сентябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг “Аҳолини ичимлик суви ва иссиқ сув билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги ахбороти эшитилди[1].

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, оқова сув хизматлари сифатини янада яхшилаш, соҳага илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларга мувофиқ технологияларни татбиқ қилиш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, мамлакатимизда соҳага оид муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий база яратилди. “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида”ги Қонун [3] билан ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинди. Ичимлик сувини кадоқланган тарзда, товар белгисидан ва хизмат кўрсатиш



белгисидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришга ҳамда реализация қилишга нисбатан татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор Фармон ва қарорлари билан янги вазифалар ва чора-тадбирлар белгиланди. Бу эса, соҳани янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тақдим этилган ахборотга кўра, бугунги кунда аҳолини марказлашган ичимлик сув билан таъминлаш даражасини 74,4 фоизга, оқова сув чиқариш хизматини 18,9 фоизга етказиш бўйича тизимли ишлар олиб бориляпти.

Хусусан, 6,9 минг км ичимлик ва оқова сув тармоқларини тортиш, 809 та ичимлик ва оқова сув иншоотларини қуриш ҳамда реконструкция ишлари амалга оширилган.

Шунингдек, халқаро молия институтларининг 185,5 млн. АҚШ доллар маблағи ҳисобидан 243 км ичимлик, 83,8 км оқова сув тармоқлари тортилган. Бундан ташқари, 1 та сув тозалаш, 14 та сув тақсимлаш иншооти, 1 та сув минораси, 13 та сув қудуғи ва 18 та сув резервуари, 3 та оқова сув тозалаш иншооти ҳамда 2 та оқова сув насос станцияси қурилган.

Ичимлик сув таъминоти ташкилотларининг 53,9 млрд. сўмлик маблағлари ҳисобидан 83,3 км ичимлик сув тармоқлари тортилган, 7 та сув қудуғи бурғуланган, 121 та насос ўрнатилган, 1,8 минг км ичимлик сув тармоқлари, 1,8 мингта насос ускуналари мукамал ва жорий таъмирланган.

Шу йилнинг ўтган даврида ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимида ишларнинг жадаллик билан олиб борилиши натижасида 7 999,2 км ичимлик, 392,5 км оқова сув тармоқлари тортилган, 1 207 та ичимлик ва 59 та оқова сув иншооти қурилган.

Эшитувда қайд этилганидек, юртимизда мавжуд 40 786 та кўп квартирали уйларнинг 23 820 таси марказлашган ва индивидуал (икки контурли) иссиқлик тизими орқали, 16 966 таси альтернатив усулда, яъни қўлбола печлар, голланд печлари, иссиқ сув колонкалари, электр иситгичлар ёрдамида иситилмоқда. Республикадаги мавжуд 578 та қозонхонадан бугунги кунда 492 та қозонхона фаолият юритмоқда. Мазкур ишлаб турган қозонхоналар йилига 1,5 млрд. метр куб табиий газ, 800 млн. кВт электр энергияси сарфламоқда.

Бундан ташқари, кейинги йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш йўлида ҳам қатор ишлар қилинмоқда. Жумладан, 2018-2022



йилларда 70 та қозонхона, 230 км иссиқлик тармоқларида модернизatsiя ва реконструкция ишлари амалга оширилиб, 92 мингта хонадондан иборат 2 200 та кўп қаватли уйлар, 201 та ижтимоий соҳа объекти иссиқлик энергияси билан таъминланган.

Ҳозирги кунда Андижон, Чирчиқ, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бунда, Жаҳон банкининг 140 млн. АҚШ доллари кредит маблағлари ҳисобидан 4 та қозонхона, 94 км иссиқлик тармоқларини модернизatsiя қилиш, 1 296 та индивидуал иссиқлик пунктларини ўрнатиш, шунингдек мазкур лойиҳалар ҳудудидаги 1 032 та кўп қаватли уйларнинг ички иссиқлик тизимини тиклаш ишлари қилинади.

Таъкидланганидек, иссиқлик тизимини ривожлантириш мақсадида 2024-2026 йилларда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш, реконструкция ва модернизatsiя қилиш бўйича аниқ мақсадлар белгилаб олинган. Унга кўра, 83 та қозонхона, 682 км иссиқлик тармоқларида қуриш ва модернизatsiя ишларини амалга ошириш, бунда 49 та қозонхона, 269 км иссиқлик тармоқлари янгидан қурилади, 34 та қозонхона, 413 км иссиқлик тармоқларида реконструкция ва модернизatsiя ишлари амалга оширилади.

Эшитишда депутатлар соҳада амалга оширилган ишларни эътироф этиб, ўз ечимини кутаётган масалаларни бартараф қилиш бўйича таклифлар беришди. Хусусан, замонавий энергия тежамкор иситиш қозонларини ўрнатиш, иссиқлик тармоқларини полимер изоляцияли қувурларга алмаштириш орқали иссиқликни сақлаш хусусиятини 98 фоизга етказиш, эксплуатatsiя даврини 30 йилгача узайтириш ва авария содир бўлган ҳудудларни автоматик равишда аниқлашга эришиш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Шунингдек, кўмита аъзолари ҳудудларда аҳоли хонадонларини тоза ичимлик суви ва иссиқ сув билан таъминлаш борасида олиб борилаётган бориш, соҳада мавжуд муаммоларни ҳал этиш чораларини кўриш ҳамда ичимлик суви ва иссиқ сув таъминоти тизимини босқичма-босқич яхшилаш борасида манзилли дастурларни ишлаб чиқиш бўйича таклиф ва тавсиялар бердилар [1]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида



сўзлаган нуткида Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилишни таклиф этган эди[2].

БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида 6-мақсад – Тоза сув ва санитарияга бағишланган. Ўзгача сўзлар билан айтганда, сув таъминоти ва санитария ҳолати, барқарор ривожланиши учун сув ресурсларини сақлаш ва бошқариш. Жаҳон табиий ресурслари институти маълумотларида Ўзбекистон сув стресси юқори бўлган мамлакатлар қаторида келтириб ўтилган ва сув стресси даражаси юқорилиги бўйича тузилган рейтингда дунёнинг 164 та мамлакати орасида 25-ўринни эгаллаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти юқоридаги долзарб масалалар бўйича 2020 йил 10 июлда “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги №ПФ-6024-сон Фармонга имзо чекдилар [4].

Ушбу Фармонда “Республикада 2020 — 2030 йилларда аҳолини ва иқтисодиётнинг барча тармоқларини сув билан барқарор таъминлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалигига бозор тамойиллари ва механизмларини ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, сув хўжалиги объектларининг ишончли ишлашини таъминлаш ҳамда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясида белгиланган вазифаларни 2020 — 2022 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харита»си 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Концепциянинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:



сув ресурсларини прогнозлаштириш, уларнинг ҳисобини юритиш ва маълумотлар базасини шакллантириш тизимини такомиллаштириш ҳамда шаффофлигини таъминлаш;

сув ҳўжалиги объектларини (ичимлик ва оқова сув тизимидан ташқари) модернизatsiя қилиш ва ривожлантириш, йирик сув ҳўжалиги объектларини бошқаришни рақамли технологиялар асосида автоматлаштириш, электр энергияси ва бошқа ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий қилиш, соҳага хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳамда ажратилаётган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

сув омборлари, сел-сув омборлари ва бошқа сув ҳўжалиги объектларининг хавфсизлигини ҳамда ишончли ишлашини таъминлаш;

сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли ҳисобини юритишда «Smart Water» («Ақлли сув») ва шу каби рақамли технологияларни жорий қилиш;

қишлоқ ҳўжалиги экинларини етиштиришда сув тежовчи суғориш технологияларининг жорий қилинишини янада кенгайтириш ва давлат томонидан рағбатлантириб бориш, ушбу соҳага хорижий инвестициялар ва грантларни жалб қилиш;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва барқарорлигини таъминлаш, ерларнинг унумдорлигини оширишга кўмаклашиш, тупроқнинг шўрланиш даражасини пасайтириш ва унинг олдини олиш бўйича самарали технологияларни қўллаш;

сув ҳўжалигида бозор иқтисодиёти тамойилларини, жумладан сувни етказиш харажатларининг бир қисмини босқичма-босқич сув истеъмолчилари томонидан қоплаш тизимини жорий қилиш, тушган маблағларни сув ҳўжалиги объектларини ўз вақтида сифатли таъмирлаш-тиклаш, рақамли технологияларни жорий қилиш ҳамда самарали бошқаришга йўналтириш;

сув ҳўжалигида давлат-хусусий шериклик ва аутсорсингни жорий этиш, алоҳида сув ҳўжалиги объектларини фермер, кластер ва бошқа ташкилотларга фойдаланиш учун бериш ҳамда тежалган маблағларни сув ҳўжалиги объектларини модернизatsiя қилиш ва ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришга йўналтириш;



сув ресурсларини интегрatsiялашган ҳолда бошқариш тамойилларини жорий қилиш, аҳолини сув билан кафолатли таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларига сувни барқарор етказиб бериш, сувнинг сифатини яхшилаш ва атроф-муҳитнинг экологик мувозанатини сақлаш;

трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, Марказий Осиё мамлакатлари манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган сув ресурсларини биргаликда бошқаришнинг ўзаро мақбул механизмларини ва сувдан самарали фойдаланиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда илгари суриш;

сув хўжалиги соҳаси учун малакали кадрларни тайёрлаш, ходимларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда илм-фан ютуқлари ва ноу-хауларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

Концепцияни унинг устувор йўналишлари ва тегишли даврга мўлжалланган мақсадли параметрлари ва кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ҳар уч йилда тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантириш стратегиялари орқали босқичма-босқич амалга ошириш белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Концепцияда белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш орқали 2030 йилга қадар қуйидаги кўрсаткичларга эришишни таъминласин:

суғориш тизимларининг фойдали иш коэффициентини 0,63 дан 0,73 гача ошириш;

сув таъминоти паст даражада бўлган суғориладиган ер майдонларини 560 минг гектардан 190 минг гектаргача камайтириш;

шўрланган суғориладиган ер майдонларини 226 минг гектарга камайтириш;

Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларининг йиллик электр энергияси истеъмолини 25 фоизга камайтириш;

барча ирригatsiя тизими объектларига «Smart Water» («Ақлли сув») сув ўлчаш ва назорат қилиш қурилмалари ўрнатилиб, сув ҳисобини юритишда рақамли технологияларни жорий этиш;

100 та йирик сув хўжалиги объектларида сувни бошқариш жараёнларини автоматлаштириш;



кишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сувни тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ерларнинг умумий майдонини 2 млн гектаргача, шу жумладан томчилаб суғориш технологиясини 600 минг гектаргача етказиш; сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида 50 та лойиҳани амалга ошириш”-тадбирлари белгиланди [4].

Шу билан бирга мазкур Фармоннинг 1-Иловасида етгита асосий йўналиш бўйича сувни тежаш сиёсати ўз ифодасини топди, яъни: сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш; сувни тежайдиган технологияларни қўллаш қўламини кенгайтириш; суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш; сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини ҳамда ишончли ишлашини таъминлаш; сув хўжалигида замонавий ахборот-коммуникatsiya ва innovation технологияларни жорий этиш; соҳада илмий-тадқиқот фаолиятни такомиллаштириш ва бозор механизмларини жорий этиш ва соҳани олий маълумотли мутахассис кадрлар билан таъминлаш ва ходимларни молиявий қўллаб қувватлаш [4].

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясида белгиланган вазифаларни 2020 — 2022 йилларда амалга ошириш бўйича Фармоннинг Иккинчи иловаси сифатида “Йўл харитаси” қабул қилинди ва унда қуйидаги ўнта асосий чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилди, яъни: норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш; сув ресурсларини прогнозлаш ва интерпatsiyалашган ҳолда бошқариш, сув ресурсларини ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритиш ҳамда сув истеъмоли меъёрларини белгилаш тизимини такомиллаштириш; сув омборлари, сел-сув омборлари ва бошқа сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлаш; сув хўжалиги объектларини модернизatsiya қилиш, каналларда сув йўқолишининг олдини олиш ва энергия тежамкор технологияларни жорий этиш; сув хўжалигида замонавий ахборот-коммуникatsiya технологияларни жорий этиш; суғоришда сувни тежайдиган технологияларини қўллаш қўламини кенгайтириш; суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш; сув хўжалиги соҳасига бозор тамойилларини, жумладан, давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг механизмларини жорий қилиш; трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш борасида давлатлараро



муносабатларни ривожлантириш; сув хўжалигида илмий-тадқиқот фаолиятни янада кучайтириш, кадрлар малакасини ошириш, илмий ва инновatsion салоҳиятини ривожлантириш ҳамда лойиҳа ташкилотларининг салоҳиятини яхшилаш.

Бу ерда асосли савол туғилади, нима учун бундай тадбирларни амалга ошириш режалаштирилди?

Гап шундан иборатки, Ўзбекистонда сув ресурсларига босим даражаси минтақада сув захираларининг юқори даражада (169 %) сарфланиши билан боғлиқ. Ўзбекистонда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш бевосита аҳолининг марказлашган сув таъминотидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш орқали амалга оширилади. Бу борада тизимли ишлар олиб борилмоқда, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги «Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони [5] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика сув таъминоти тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2023 йил 24 октябрдаги №ПҚ-343-сон Қарори [6] доирасида амалга оширилмоқда.

Айниқса, Президентимизнинг ПҚ-343-сон Қарорига эътибор қаратсак, унинг иловасида 15-илова кўрсатилган бўлиб, ишларнинг миқёси нақадар кенглигидан далолат беради. Чунончи, Қарорнинг биринчи Иловасида қуйидаги муҳим тадбирлар ўз ифодасини топди, яъни: ичимлик сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш; ичимлик сув таъминоти ташкилотларининг ичимлик сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги хизматини кенгайтириш; корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш ҳамда соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш; ичимлик сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида билим ва тажрибаларни ошириш ҳамда жамоатчилик назоратини ташкиллаштириш режалаштирилди. Шунга асосан Ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимини трансформatsия қилиш жараёнларини тезлаштириш бўйича



Республика мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи тузилди ва унга раҳбар қилиб, иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари А.М.Бобоев тайинланди [6].

Натижада сўнгги 5 йил ичида республикада марказлашган ичимлик суви таъминоти билан таъминланган аҳоли улуши 5,2 % пунктга ортиб, 2022 йилнинг дастлабки ҳолатига қўра 69,7%ни ташкил этди. Шунингдек, канализация билан таъминланганлик даражаси 17,5 % га етди. Шу билан бирга, ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси нисбатан паст бўлган ҳудудлар сифатида Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах вилоятлари (60 % дан паст) қайд этилган.

Ўзбекистон аҳолисининг тегишли санитария-гигиена воситаларидан умумий ва тенг ҳуқуқли фойдаланишини таъминлаш зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

2021 йилда йилда хавфсизлик талабларига амал қилган ҳолда ташкил этилган санитария хизматларидан фойдаланадиган аҳолининг улуши 92,7 % ни ташкил этди, шунингдек совун ва сув билан қўл ювиш мосламаларидан фойдаланадиган аҳолининг улуши мос равишда 96,2% га етди.

Яшаш учун қулай экотизимни таъминлаш доирасида республикада сувнинг ифлосланиш даражасини камайтириш, оқова сувларни хавфсиз тозалаш ва қайта самарали ишлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда ва ўз ўрнида, ушбу масалаларни ҳал қилиш Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясида, Ўзбекистон Республикасининг 2016–2020 йилларга мўлжалланган экологик мониторинг дастурида ҳам келтириб ўтилган. Бу йўналишдаги ижобий натижалар, бир томондан, сув ресурсларига бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжни қондиришга ёрдам берса, иккинчи томондан, атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтиришга хизмат қилади.

2017–2021 йиллар мобайнида Ўзбекистонда хавфсиз тозаланган оқова сувларнинг улуши 92,4 % даражасида қолмоқда. Шу билан бирга, сувнинг ифлосланиш индекси 2017–2021 йилларда биров ёмонлашди (1,35 дан 1,52 гача).

Мавжуд кўрсаткич сув сифати бўйича III тоифага (ўртача ифлосланган) мос келиб, қониқарли экологик ҳолатни назарда тутди.

Минтақадаги трансчегаравий сувлар сифати қониқарсизлигининг асосий



сабаблари сув таркибида туз, феноллар, пестицидлар, нефть маҳсулотлари, металл миқдори ва биологик ифлосланишнинг ортиши ҳамда сув каттиқлигининг ўзгариши билан боғлиқ. Сувнинг миқдори ва сифатига сув бошқариш тизими, суғориш объектларининг ҳолати, иқлим омиллари таъсир қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 11 июлидаги Фармонида кўра «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган Концепцияси» тасдиқланган. Концепциянинг устувор йўналишларидан бири мамлакатда сув сифатини яхшилашдир. Уни амалга ошириш доирасида 2030 йилга қадар 18 та гидрологик постларни тиклаш ва сувни тезкор назорат қилиш тизимини жорий этиш режалаштирилган. Республикада сув ресурсларини бошқариш доирасида ирригация тизими самарадорлигини ошириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар (Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки) маблағларини жалб қилган ҳолда мамлакат сув ресурсларидан фойдаланиш ва ҳисобга олиш самарадорлигини таъминлаш имкониятларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада, Ўзбекистонда сув ресурсларини комплекс бошқаришни амалга ошириш даражаси 2017–2021 йилларда 45 % дан 55 % гача ошди.

Ўзбекистон учун сув ресурсларини бошқариш трансчегаравий дарёлардан минтақалараро комплекс фойдаланишни кўзда тутди. Шу муносабат билан сувдан оқилона фойдаланиш ва уни тежаш, сув ресурсларининг адолатли тақсимланишини кафолатлаш, шунингдек, минтақадаги барча давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда сув ресурсларини тақсимлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Иқлим ўзгаришлари Ўзбекистонда сув танқислигини янада кучайтиради, қурғоқчилик давомийлиги ва муддатининг ортиши мамлакат иқтисодиётида сув ресурсларига бўлган эҳтиёжларни қондиришда жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Деярли барча ҳудудларда дарё оқимларини сув билан таъминлаш 60 % дан 90 % гача ёғингарчилик миқдorigа боғлиқ. Ушбу хавфнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у кўпроқ табиий омилларга боғлиқ. Хавфнинг олдини олиш



чоралари мавжуд сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш билан боғлиқ.

Шунингдек, сувнинг ифлосланиш даражасининг ошиши ҳам аҳоли саломатлигига таҳдид солади.

Мамлакат бўйлаб сув ресурсларининг нотекис тақсимланиши, сув ҳавзаларидан самарасиз фойдаланиш ва уларнинг ифлосланиши барқарор ривожланиш учун жиддий таҳдиддир.

Бундан ташқари, Афғонистондаги қурилаётган Қўш-Тепа деб номланган сув канали Аму-дарёдан сувни олиб, камида йилига 10 млрд. куб. сувни Афғонистон эҳтиёжларига сарфланишини кафолатлайди. Бу вазият эса Ўзбекистон ва Туркменистон ҳудудларида сув танқислигининг ўта равишда кескин ҳолда бўлишига олиб келиши мумкин. Шунга асосан бу дарёдан фойдаланиш масаласини мамлакатларнинг вакиллари билан бирга тегишли халқаро музокараларда ҳал қилиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон сувга бўлган эҳтиёжнинг 80%ини қўшни мамлакатларнинг сув ҳавзаларидан қондириши ва қисман иқлим ўзгариши сабабли сув ресурсларини бошқаришда муҳим муаммоларга дуч келмоқда. Мамлакат 2007 йилдан бери БМТнинг 1992 йилдаги трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро қўлларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Конвенцияси³⁵ (Сув Конвенцияси), шунингдек, 1997 йилдаги БМТнинг халқаро сув оқимларидан навигациясиз фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенцияси иштирокчиси ҳисобланади. Сув Конвенцияси, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш ва унинг мақсадларининг тартибини тарғиб қилиш ва амалга ошириш учун кучли восита саналади. У Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлардан сув ресурсларини комплекс бошқаришни, шу жумладан шароитга қараб трансчегаравий ҳамкорлик орқали амалга оширишни талаб қиладиган 6.5-вазифанинг бажарилишини бевосита қўллаб-қувватлайди.

2020 йилдаги БРМ бўйича иккинчи ҳисоботнинг 36 6.5.2 кўрсаткичига кўра, Ўзбекистондаги трансчегаравий ҳавзалар майдонининг 69,6 фоизи тезкор битимлар ёки сув билан ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар билан қамраб олинган.



Шунингдек, Ўзбекистон Қирғизистон ва Туркменистон билан муҳим янги шартномалар тузди ва Қозғистон билан Сирдарё бўйича ҳамкорликни фаоллаштирди. Трансчегаравий ер ости сувлари тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги яхшиланган бўлса-да, трансчегаравий ер ости сувлари ҳақидаги билимларни ошириш ва умумий сув қатламлари бўйича ҳамкорликни ўрнатиш учун қўшимча тадбирларни амалга ошириш зарурати мавжуд.

Сув ресурсларини комплекс бошқариш бўйича биринчи Миллий сиёсий мулоқот (МСМ) 2022 йилда бўлиб ўтди. МСМ Ўзбекистонда бугунги кунда тармоқларни ривожлантириш учун сувнинг мавжудлиги, оқова сувларнинг стандартлари, ер ости сувлари мониторинги, трансчегаравий ҳамкорлик ва куйи Амударёнинг экологик оқимиغا эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон ҳозирда Сув ва соғлиқни сақлаш протоколининг иштирокчиси эмаслигини инобатга олган ҳолда, ҳукумат БМТ ва ЖССТ протоколининг қўшма котибияти билан ҳамкорлик орқали аъзо бўлиш имкониятлари ва афзалликларини ўрганмоқда.

Келгусидаги қадамлар:

- бозор тамойилларини жорий этиш, сув хўжалигини тартибга солиш ва молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш;
- сув ресурсларини бошқариш сиёсати ва механизмларини такомиллаштириш;
- инфратузилмани модернизatsия қилиш ва сув хўжалиги хизматларини ривожлантириш;
- сув хўжалигини бошқаришнинг илмий ва инновatsion салоҳиятини ривожлантириш;
- экологик барқарорликни таъминлаш учун ишлаб чиқилган стратегия ва концепцияларни амалга ошириш;
- барқарор ривожланиш учун сув ресурсларини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланишни яхшилаш;
- инфратузилмани модернизatsия қилиш ва сув хўжалиги соҳасини давлат-хусусий шериклик орқали ривожлантириш;
- сув ва саломатлик тўғрисидаги протоколга кириш имкониятларини баҳолаш;
- трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва



улардан фойдаланиш тўғрисидаги Конвенцияга мувофиқ қўшни мамлакатлар билан трансчегаравий ва ер ости сув ресурслари бўйича ҳамкорликни кенгайтириш.

Юқоридаги кўрсаткичлар ва режалаштирилган чора-тадбирар Ўзбекистонда тоза сув ва санитария талабларига риоя этиш борасида кўп ҳажмли ишлар амалга оширилаётганидан далолат беради. Бу эса БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида 6-мақсад бўйича нақадар инсон ҳуқуқларига асосий эътибор қаратилаётганининг далили сифатида тан олиш мумкин. Шу билан бирга, Афғон канали ишга тушганидан сўнг сув билан боғлиқ бўлган вазиятни ижобийлаштириш муаммосини ҳал қилишда янги технологиялар, яъни ҳаводан сув ресурсларини олиш инфратузилмасини Ўзбекистонда жорий қилишга тўғри келади. Бундай тажрибалар АҚШ, Германия, Нидерландияларда жуда ривожланганини инобатга олган ҳолда[7], айнан шу технологияларни қўлга киритиш мақсадларида тегишли мутахассисларни бу мамлакатларга юбориб, Ўзбекистонда тегишли халқаро шартномалар тузиш орқали уларнинг технологияларини ишлаб чиқаришга руҳсат олган ҳолда бу новатишларни Ўзбекистонда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шундагина юқорида қайд этилган 6-мақсад тўлақонли амалга оширилиши таъминланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- [1] Аҳолини ичимлик суви ва иссиқ сув билан таъминлаш бўйича манзилли ишлар олиб борилмоқда <https://parliament.gov.uz/uz/news/aholini-ichimlik-suvi-va-issiq-suv-bilan-taminlash-boyicha-manzilli-ishlar-olib-borilmoqda>, 14.09.2023 yil
- [2] Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик. 5-жилд [Матин] –Тошкент: “O‘zbekiston” нашіриёти, 2023. -408 бет.
- [3] Ўзбекистон Республикасининг “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида”ги 27 июл 2022 йилдаги ЎРҚ-784-сон Қонуни//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.07.2022 й., 03/22/784/0661-сон
- [4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган



Концепциясини тасдиqlаш тўғ‘рисида”ги 2020 йил 10 июлдаги №ПФ-6024-сон Фармони//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.07.2020 й., 06/20/6024/1063-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.07.2022 й., 06/22/167/0619-сон; 06.02.2024 й., 06/24/28/0099-сон, 08.05.2024 й., 06/24/74/0332-сон). Мазкур манбага кўра Ўзбекистонда 2024 йили Сув кодексини қабул қилиш масаласи ҳам ўз ифодасини топган.

[5]Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғ‘рисида»ги 2019 йил 26 ноябрдаги №ПФ5883-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.11.2019 й., 06/19/5883/4074-сон; 07.04.2021 й., 06/21/6200/0310-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.05.2022 й., 06/22/140/0450-сон; 29.08.2023 й., 06/23/151/0661-сон; 20.01.2024 й., 06/24/14/0052-сон)

[6]Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика сув таъминоти тизимини янада такомиллаштириш тўғ‘рисида»ги 2023 йил 24 октябрдаги №ПҚ-343-сон Қарори// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 31.10.2023 й., 07/23/343/0812-сон

[7] Xiangui Li, Bachir El Fil, Buxuan Li, Gustav Graeber, Adela C. Li, Yang Zhong, Mohammed Alshrah, Chad T. Wilson, and Emili lin. Design of Compact Multicyclic High-Performance Water Harvester for Arid Environments//ACS Energy O. Letters, 2024, 9, 3391-3399pp// <http://pubs.acs.org/journal/aelccp?ref=pdf//https://pubs.acs.org/doi/10.1021/acsenergylett.4c01061>.

